

## “МЕХРОБДАН ЧАЁН” АСАРИДА КЎЧИМ ВА УНИНГ ТУРЛАРИ

**Зиётова Сурайё Эркин қизи,**

Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети

таянч докторанти.

E-mail: [z.surayyo\\_92@mail.ru](mailto:z.surayyo_92@mail.ru)

### АННОТАЦИЯ

*Ушбу мақолада Абдулла Қодирийнинг “Меҳробдан чаён” асарида қўлланган метафора, метонимия, синекдоха, оксюморон ҳодисалари таҳлил қилинган. Мазкур тилишунослик ҳодисаси бадий асар поэтикасидаги ўрни мисоллар ёрдамида далиллаб берилган.*

*Калит сўзлар.* “Меҳробдан чаён”, лексема, сема, полисемия, деннотатив маъно, коннотатив маъно, метафора, метонимия, синекдоха, оксюморон.

### ABSTRACT

*This article analyzes the phenomena of metaphor, metonymy, synecdoche, oxymoron used in Abdullah Qadiri's work “Mekhrobdan chayon” (“Scorpion from the altar”). The role of these linguistic phenomena in the poetics of a work of art can be proved by examples*

*Keywords.* “Mekhrobdan chayon” (“Scorpion from the altar”), lexeme, sema, polysemy, dennotative meaning, connotative meaning, metaphor, metonymy, synecdoche, oxymoron.

### КИРИШ

Полисемия ҳар қандай тилда ҳам салмоқли ўрин тутди. Тил бойлиги фақат сўзлар, иборалар миқдори билан эмас, сўзларнинг лексик маънолари миқдори билан ҳам ўлчанади. Сўзларнинг кўпмаънолилиги тил бойлигида, шубҳасиз, ўз ўрнига эгадир<sup>1</sup>. Борлиқдаги кўпгина нарса-ҳодиса, белги-хусусият, ҳаракат-ҳолатлар алоҳида номланмайди, уларга ном кўчирилиши маълум, шунинг учун тилнинг асосий қисмини полисемем лексемалар ташкил қилади<sup>2</sup>. Бадиятни оширишдаги воситалардан бири – кўчимдир. У кўп маънолилиқ ҳодисаси негизида шаклланади.

### АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ.

Полисемия ҳодисаси, кўчим турлари ўзбек тилшунослигида атрофлича ўрганилган. Хусусан, М.Миртожиевнинг “Ўзбек тилида полисемия”, “Ўзбек

<sup>1</sup> Миртожиев М. Ўзбек тили семасиологияси. – Тошкент, 2000. – Б. 158.

<sup>2</sup> Жумаева Ф. Полисемем лексемалар доирасидаги синоним ва антоним семалар тадқиқи. Филол.фан.бўйича фал. докт. дисс. – Фарғона, 2018. – Б. 17.

тили семасиологияси”, М.Ҳакимованинг “Семасиология” каби монографиялари; Г.Қобулжонованинг “Метафоранинг системавий лингвистик талқини”, Р.Сувонованинг “Ўзбек тилида метонимия” каби тадқиқот ишлари ўзбек тилшунослигида фундаментал асос вазифасини бажарган.

## МУҲОКАМА

Абдулла Қодирий бадиий асар тилининг таъсири ва ихчам услубининг эса равон ҳамда жозибали бўлишига катта эътибор берган. Шу боис, адиб ижодида кўчимнинг турли шакллари асар бадииятини оширишга хизмат қилган. Қуйида роман матнидаги метафора, метонимия, синекдоха, ирония, оксюморон ҳодисалари таҳлил қилинди.

**Метафора.** Н.Маҳмудов метафорани дунёни билишнинг энг қудрадли қуролларидан бири деб таъкидлайди<sup>3</sup>. Метафоранинг асосий моҳиятини ўхшатиш, қиёслашдан иборат мантиқий амал ташкил этади<sup>4</sup>. Метафора – объектив (ёки субъектив) борлиқдаги ўхшашликнинг лисоний акси бўлмиш мутаносиб семалар асосида бир нарса номининг иккинчи бир нарса номи ўрнида қўлланилишидир<sup>5</sup>. Бадиий метафорада эса предметлар орасидаги ўхшашлик асосида бадиий бўёқ, образлилик ётади<sup>6</sup>. Бадиий метафорада ўхшашлик образлар воситасида яширинган ҳолда юзага келади. Асардаги метафоралар қайси сема асосида кўчимни ҳосил қилганлигини компонент таҳлил методи воситасида кўриб чиқамиз:

1. Мавҳум тушунчани ифодаловчи метафорик кўчим

1-мисол: *Зулм тиги камбағаллар қони билан сарбаст бўяган* (МЧ,161). Келтирилган гапда метафораланаётган сўз – зулм, метафора ҳосил қилган сўз – тиг. Кўчим мавҳум нарсани номлаган. Кўчим асосини аниқлаш учун “тиг” сўзининг семаларини ажратамиз:

- |  |   |     |
|--|---|-----|
| 1) темир буюм;<br>2) совуқ қурол;<br>3) кескир, ўткир қиррали;<br>4) кесишга мўлжалланган нарса. | } | ТИҒ |
|--|---|-----|

Мазкур кўчим мураккаб характерда бўлиб, унинг учун асос бўлган семани аниқлаш қийин. *Тиг* сўзи ўз маънодасида, яъни пичоқ тиги, найза тиги тарзида

<sup>3</sup> Маҳмудов Н. Термин, образли сўз, метафора // Ўзбек тили ва адабиёти. - №4. – Тошкент, 2013. – Б. 5.

<sup>4</sup> Йўлдошев М. Чўлпон сўзининг сирлари. – Тошкент: Маънавият, 2002. – Б. 67.

<sup>5</sup> Қобулжонова Г. Метафоранинг системавий лингвистик талқини. Филол.фан. номз. дисс. – Тошкент, 2000. – Б. 55.

<sup>6</sup> Джалалова Л. Абдулла Қодирийнинг “Ўтган кунлар” романининг лингвистик таҳлили. Филол. фан. номз. ...дисс. – Тошкент, 2009. – Б. 24.

иштирилиши мумкин, ammo кўчим сифатида зулм *тиги* шаклида келтирилиши 4-сема (кесишга мўлжалланган нарса) ёрдамида ҳосил бўлган.

2-мисол: *Соқолга қаранг, ўлим иси келади* (МЧ,160). Ушбу мисолдаги метофорик кўчим мавҳум тушунчани ифодалаш учун қўлланган. *Ис* лексемаси метафорани шакллантирган, *ўлим* – метафораланаётган сўз. Кўчим ис лексемасининг қайси семаси асосида шаклланганини аниқлаймиз:

- 1) сезги аъзоси натижасида юзага келувчи сезги, хид
  - 2) белги, ишора;
  - 3) жуда сезгир.
- } ис

*Ўлим иси* метафораси *ис* сўзининг 2-семаси асосига қурилган. Ўлимнинг дараги, белгиси тарзида берилган.

## 2. Белги асосидаги метафорик кўчим

1-мисол: *Шубҳа ичида қизарган муҳаббат* (МЧ,146). Бу жумлада метафорик ифода *қизарган* сўзи орқали шакллантирилган. Метафораланаётган сўз – муҳаббат. Бу кўчим ҳодиса (муҳаббат) нинг белги (қизарган) сени ифодаллагани учун белги воситасидаги метафорик кўчим саналади. Кўчим асосини топиш мақсадида *қизарган* сўзининг семаларини келтирамиз:

- 1) қизил, алвон ранг;
  - 2) уялиш, ийманиш ҳолати;
  - 3) етилмоқ, пишмоқ.
- } қизарган

Қизарган сўзи феълнинг белги-хусусиятни ифодаловчи сифатдош шакли. Маълумки, қизармоқ феълнинг пишиш, маромига етиб шаклланиш каби семалари мавжуд, муҳаббатнинг қизарган сўзи билан боғлиқлиги айтилиши 3-сема негизида пайдо бўлган.

2-мисол: *Оғир соатларда ёнингизда тургучи дўстдир* (МЧ,316). Мазкур мисолдаги кўчим ҳам нарса-белги хусусияти асосида ҳосил қилинган. *Оғир* сўзи орқали метафорик ифода шаклланган бўлса, *соат* метафораланаётган қисм. Кўчим учун қайси сема замин бўлганини аниқлаш учун оғир сўзининг семаларига мурожаат қиламиз:

- 1) вазни катта бўлган ҳолат;
  - 2) қийин, мураккаб;
  - 3) мушқил, масълуятли;
  - 4) салмоқли, салобатли;
  - 5) босиқ, вазмин;
  - 6) муайян меъёр бузилиш ҳолати;
  - 7) жиддий, ҳавфли.
- } оғир

Бу ўринда кўчим асоси сифатида 3-семани кўрсатиш мумкин. Сабаби мисолда келтирилган метафоралашган кўчимнинг маъноси 3-сема орқали юзага келган, яъни мушқил, масъулиятли соатларда мазмунини билдиради.

3. Ўринни ифодалаш асосидаги метафорик кўчим.

1-мисол: *Лаганни суфа лабига қўйиб ўлтурди* (МЧ,59). Келтирилган жумлада *лаб* сўзи орқали ўрин-жойга нисбатан метафорик кўчим ҳосил қилинган. *Суфа* – метафораланаётган лексема, *лабига* – метафоралаётган сўз. Кўчим асосини аниқлаш учун *лаб* сўзининг семаларини ажратамиз:

- 1) инсонга хос аъзо;
  - 2) бўртиб чиққан;
  - 3) қирралик белгиси мавжуд;
  - 4) юзнинг пастки қисмида жойлашган;
  - 5) ҳаракат қилади.
- } лаб

Маълумки, *суфа* истилоҳи адабий тилда *суна* тарзида келтирилади. Ҳовли, боғ ва умуман очик ерда ўтириш, ётиш-туриш учун тупроқдан чорбурчак шаклида кўтариб қурилган жой (ЎТИЛ,III,588) маъносида ишлатилади. *Суфа лаби* метафорасида *лаб* сўзининг 3-, 4-семалари етакчилик қилмоқда. Суфанинг чекка, қирра қисми мазмунида келган.

2-мисол: *Нигоройим ўчоқ бошида овқат пишириш билан машғул эди* (МЧ,147). Бу гапда ўрин-жойни ифодалаш мазмунидаги метафорик кўчимдан фойдаланилган. Бош – метафора ҳосил қилувчи сўз ҳисобланса, ўчоқ – метафораланаётган лексема. Кўчим қайси сема асосида шаклланганини аниқлаймиз:

- 1) инсон аъзоси;
  - 2) инсоннинг юқори қисмида жойлашган;
  - 3) ҳаракатланади;
  - 4) фикр юритади;
  - 5) думалоқ шаклда.
- } бош

Келтирилган семалардан кўчим асоси сифатида 2-семани олишимиз мумкин, чунки бу семада ўрин мазмуни ифодаланган. *Ўчоқнинг боши*, яъни ўчоқнинг олд, юқори қисми маъносини англаймиз.

4. Ҳаракатни ифодалаш асосидаги метафорик кўчим

1-мисол: *Тўй қилиниб, Раъно Анварга берилса, даромаднинг кесилиш эҳтимоли бор эди* (МЧ,140). Ушбу мисолда ҳаракат тарзидаги кўчим мавжуд. Кўчма маъно *кесилмоқ* феъли орқали юзага келган ва бу метафоралаётган сўз,

метафораланаётган лексема эса даромад. Кўчим асосини топиш мақсадида кесилмоқ феълнинг семаларига мурожаат қиламиз:

- 1) тиф билан танаси тилмоқ;
- 2) тиф билан бўлақларга ажратмоқ;
- 3) ортиқча қисмни тиф билан олиб ташламоқ;
- 4) баландликни ковлаб, қазиб, ёриб, орасини очмоқ;
- 5) йўл олмоқ, йўналмоқ;
- 6) гапни бўлмоқ, тўхтатмоқ.
- 7) белгиламоқ ;
- 8) жазога ҳукм қилмоқ;
- 9) пасаймоқ, йўқ қилмоқ.

кесилмоқ

Юқоридаги семалар ичидан 9-сема, яъни “пасаймоқ, йўқ қилмоқ” маъносини кўчим асоси сифатида олишимиз мумкин. Чунки *даромаднинг кесилиши* метафорик кўчим орқали даромаднинг пасайиши ёки бутунлай тугаши мазмунини билдиради.

2-мисол: *Беш кун амалга миниб, ўттиз йиллик мирзоларни қадр қилмади, демайдимми?* (МЧ,251). Бу ўринда *минмоқ* сўзининг денотатив шакли “отга минмоқ” тарзида келса, *амалга минмоқ* шакли коннотатив шакли ҳисобланади. *Амал* – метафораланаётган истилоҳ бўлса, *минмоқ* – метафоралаётган сўздир. Метафорик кўчимни ҳосил қилишда *минмоқ* феълнинг қайси маъноси асос қилиб олинганини белгилаш учун унинг барча семаларини кўриб чиқамиз:

- 1) от-уловга ўтириб олмоқ;
- 2) транспорт воситаларига чиқмоқ;
- 3) транспорт воситаларини бошқармоқ, хайдамоқ;
- 4) ўтирмақ, инмоқ;
- 5) амал, мансабни эгалламоқ;
- 6) бирор ҳолат юз бермоқ.

минмоқ

Қайд этилган семалар ичида кўчим 5-сема негизда шаклланган, яъни

амални эгаллади мазмунида қўлланилган. Шунингдек, асарда метафорик сўз билан ифодаланган кўчимлар ҳам мавжуд: *Ўлим сари кулиб келгучи бир арслонни ўз тарихида биринчи мартаба кўрди* (МЧ,375). Арслон сўзининг “жасур”, “қатъиятли” маънолари асар персонажи Анварга нисбатан қўлланмоқда. *Сизга қарши қаттиг қутурган икки итими бор эди, энди учунчисини ўзингиз келтирганга ўхшайсиз* (МЧ,242). Мазкур гап Султонали томонидан айтилган бўлиб, *ит* метафораси орқали Шаҳодат муфти, Калоншоҳ

мирзо, Абдурахмон каби персонажлар назарда тутилмоқда. Метафора *ит* сўзининг “очкўзлик”, “пасткашлик” каби салбий семалари воситасида шакллланган. Турмушда уй-рўзгор буюмлари тез-тез ишлатилиб турилганидан уларнинг номлари, яъни конкрет маъноли от сўзлар метафоралашига мойиллигини кўришимиз мумкин<sup>7</sup>. Муаллиф *Зулм ўчоғи* (МЧ,161) сарлавҳаси ёрдамида хоннинг амалга оширган ишлари, зулм макони эканлиги, ўчоқнинг “куйдириш”, “жизғанақ қилиш” семемалари метафора асосида ҳосил бўлган. Асарда метафорик кўчимлар ибораларни шакллантиришда ҳам кенг қўлланган. *Кина сақлаш бир рўймолни ювиб қурутқанча экан, - деди Сафар бўзчи, - бизлар бўлсақ, тўрт кундан бери шайтонни апичлаб юруймиз* (МЧ,136). Ушбу парчадаги *шайтонни апичлаб юриши* бирикмаси кенгайган метафора шаклида бўлиб, шайтоннинг “нифоқ солиш” семаси асосида юзага келган. *Ўлим яғмоғари келиб узди* ибораси таркибидаги *яғмо* сўзи эски ўзбек тилида “талон-тарож”, “бузғунлик” (ЎТИЛ,V,131) маъносида қўлланилган. Мазкур ибора Азроил фариштага ишора қилувчи муаллифга хос фраземадир: *Бир кун орадаги дўстлиқ риштасини ўлим яғмоғари келиб узди* (МЧ,77). Ушбу ибора *жон бермоқ, охирги йўлга узатмоқ, тупроққа топширмоқ, туз-насибаси узилмоқ, жонини жабборга топширмоқ, вақти-кунни битмоқ* фраземаларига семантик жиҳатдан жуда яқин.

**Метонимия ва синекдоха.** Асар тилида метафора билан бир қаторда метонимия ва синекдоха ҳодисалари ҳам кенг учрайди. Метонимия ва метафора орасидаги фарқ ном кўчириш асосларидадир. Метафорага ўхшашлик, метонимияга боғлиқлик асос бўлади<sup>8</sup>. Метонимия ҳам ном кўчиш усули ҳисобланаб, нарсалар орасидаги алоқадорликка, боғлиқликка асосланган кўчим бўлса, синекдоха бутун-қисм, қисм-бутун муносабатига таянган кўчим шаклидир. Метонимияда шакллантирувчи ва ҳосила маъно денотатлари ўртасидаги алоқадорлик эътиборга олинса, синекдохада асос ва ҳосила маъно денотатларининг бири бутун, иккинчиси бўлак бўлиши назарда тутилади<sup>9</sup>. “Меҳробдан чаён” романида метонимия, синекдоха ҳодисалари сўзнинг ифода имконияти, қўлланиш даражасини кенг очиб берган: *Шунга ўхшаши жамият ҳам бир касал билан оғридими, унинг ҳар бир табақа ёки синфига, яна тўғриси, фардига шу касал сироят қилмай қолмайди* (МЧ,107). Ушбу жумлада *жамият*

<sup>7</sup> Сулаймонова Г. Ўзбек тилида от туркумидаги сўзларнинг полифункционаллиги. Филол. фан. номз. ...дисс. – Тошкент, 2012. – Б. 49.

<sup>8</sup> Қобулжонова Г. Метафоранинг системавий лингвистик талқини. Филол.фан. номз. дисс. – Тошкент, 2000. – Б. 60.

<sup>9</sup> Сувонова Р. Ўзбек тилида метонимия. Филол. фан. номз. дисс. – Самарқанд, 2001. – Б. 10.

сўзи метонимия ҳодисасини шакллантирган, яъни жамиятдаги одамлар мазмуни билан алоқадорликни ҳосил қилган. *Махдум соқолидаги хамир ушогини олиб, меҳмонни лаганга тарғиб қилди* (МЧ,57). Келтирилган парчанинг *лаганга тарғиб қилди* қисмида ундаги метонимия ҳодисасини кузатамиз, яъни лагандаги овқатга тарғиб қилди шаклида. Нарса номи ва унинг асосидаги бошқа бир нарсага кўчади. Лаган ва овқат сўзи билвосита алоқадорлик асосида метонимияни ҳосил қилган. *Муҳаммад Ражаббек марҳум Муҳаммадалихон замонидан бери девон билан олишиб келар эди* (МЧ,144). Мазкур мисолда *девон билан олишиб* – бу девондаги амалдорларга алоқадорлик мавжудлигини билдириб келади ва метонимияни шакллантиради. *Бу ҳовуз ҳарамнинг бутун эҳтиёжини ўтар, уни ҳафтада бир неча мартаба махсус соатларда мешқоблар томонидан тўлдириб турилар эди* (МЧ,171). Мазкур гапда *ҳарам* сўзи ҳарамда яшовчи одамлар, аёллар, хотинлар маъносини ифодалаб, метонимияни ҳосил қилган. *Сен бориб ўчоқ ҳаракатини кўрабер* (МЧ,276). *Ўчоқ* лексемаси полисемантик ҳодисанинг ҳосила семаси ҳисобланиб, *ўчоқ ҳаракатини кўра бер* деганда овқат пишириш тараддуди, қозон-ўчоқни тайёрлаш жараёни назарда тутилиб, метонимия ҳодисаси юзага келмоқда. *Ўз уйида бир нонхўр ортиши махдумга, албатта, ёқмас эди* (МЧ,73). Ушбу жумлада *нонхўр* сўзи “одам” маъносини ўзида англатади ва метонимия кўчимини шакллантирган.

*Ортиқча такаллуфни Шаҳидбекнинг ўзи қабул қилса ҳам, гўшти қабул қилмас эди* (МЧ,52). Асарда ушбу қаҳрамон семиз, бесўнақай тарзда тасвирланган. *Гўшти қабул қилмасди* – бирикмасидаги *гўшт* сўзи “инсон танаси” мазмунини билдиради, яъни қисм ва бутун муносабати орқали ифодаланган. *Ўн йиллардин бери Қўқонда бўлмаганлигини, бухоролиқ бир саркарда эшигида хизмат қилганлигини сўзлади* (МЧ,351). Келтирилган гапда *эшигида* лексемаси “уйида, ҳовлисида” семасини англатиб, синекдоха ҳодисасини шакллантиришга хизмат қилган. *Эшик* – қисм, *уй* – бутун тарзида келмоқда.

**Оксюморон.** Абдулла Қодирий ижодида шундай бирикма, birlikлар мавжудки, улар ўзаро зидланиб, кучли эмоционаллик, экспрессивликни оширишга хизмат қилган. Бундай тушунча тилшуносликда оксюморон ҳодисаси дейилади. Оксюморон - юнонча сўз бўлиб, бир-бирига мос келмайдиган икки лексик birlikнинг уйғунлашувини англатади. Оксюморон

янги тушунча ва тасаввурларни ҳосил қилади<sup>10</sup>. Оксюморон ҳодисасининг белгиланишида унинг компонентлари ўртасидаги қарама-қаршилик бирламчи аҳамиятга эга бўлиб, бу ҳолатда уларнинг антонимик талабларга жавоб бериш-бермаслиги муҳим эмас. Шунга кўра таъкидлаш керакки, оксюморон антонимик эмас, антисемик бирликлар асосида ҳосил бўладиган стилистик фигурадир<sup>11</sup>. Қодирий ушбу асарни “Меҳробдан чаён“ деб номлашининг ўзида оксюморон ҳодисаси мавжуд. *Меҳроб* сўзи асли арабча сўздан олинган бўлиб, “ибодатхона”, “токча”, “тахмон тепасининг ярим доира қилиб сиҳланган қисми” (ЎТИЛ, II, 588) деган маънони билдириб, масжид ичида унинг қибла томонидаги деворида тахмон шаклида қурилган жой (намоз шу тарафга қараб ўқилади) ҳисобланади. *Чаён* лексемаси кўчма маънода қўлланилиб, зимдан иш қилувчи зиёли, муллалар қиёфасини англатади. *Меҳроб* муқаддас жой, поклик мазмунини ифодаласа, унинг олдидаги *чаён* бадминлик, разиллик тимсолидир. Асар номидаги айнан шу семалар оксюморонни шакллантирган. Асар персонажи Самад бўқоқни муаллиф *ширин сўз гийбатчи* деб таърифлайди: *Булардан биринчи муҳтарам шу масжиднинг ёш имом ва хатиби Абдурахмон домла жаноблари бўлиб, иккинчиси маҳалланинг ширин сўз гийбатчиларидан Самад бўқоқ, учунчиси масжиднинг муаззини Шукур сўфи эди* (МЧ, 97). Ушбу бирикмада *ширин сўз* хушмуомалаликни ифодалаб, ўзида ижобий баҳони мужассам этади. *Гийбатчи* сўзи эса иғво тарқатувчи мазмунини англатиб, унда салбий муносабат мавжуд. Айни бир бирикмада икки қарама-қарши бирликнинг учраши оксюморонни юзага келтирган.

## НАТИЖАЛАР

Кузатишларимизга кўра роман тилида юздан ортиқ метафорик кўчимлар келтирилган, фраземаларнинг шаклланишида, бадий асарда образлилик, экспрессивлик, эмоционалликни оширишга ёрдам берган.

## ХУЛОСА.

Асар тилини тадқиқ қиларканмиз, кўчимнинг метафора турига нисбатан метонимия, синекдоха ҳодисалари камроқ қўлланилганига гувоҳ бўлдик. Кези келганда шуни айтиш жоизки, Қодирийнинг ўз тили, услубига хос оригинал шаклларда ифодаланган. Шунингдек, оксюморон ҳодисаси маъновий жиҳатдан

<sup>10</sup> Камолиддинова В. Оксюморон ва унинг услубий - семантик хусусиятларининг қўлланиши // Сўз санъати. 1. – Тошкент, 2021. – Б. 121.

<sup>11</sup> Абдуллаева Д. Ўзбек тилида антисемия. Филол. фан. номз. ...дисс. автореф. – Тошкент, 2010. – Б. 21.



икки қарама-қарши бирликнинг уйғунлашишдир ҳамда асар тилида эмоционалликни, бадий ифодани оширишга хизмат қилган.

### **REFERENCES**

1. Абдуллаева Д. Ўзбек тилида антисемия. Филол. фан. номз. ...дисс. автореф. – Тошкент, 2010. – Б. 21.
2. Джалалова Л. Абдулла Қодирийнинг “Ўтган кунлар” романининг лингвистик таҳлили. Филол. фан. номз. ...дисс. – Тошкент, 2009. – Б. 24.
3. Йўлдошев М. Чўлпон сўзининг сирлари. – Тошкент: Маънавият, 2002. – Б. 67.
4. Камолитдинова В. Оксюморон ва унинг услубий - семантик хусусиятларининг қўлланиши // Сўз санъати. 1. – Тошкент, 2021. – Б. 112.
5. Қобулжонова Г. Метафоранинг системавий лингвистик талқини. Филол.фан. номз. дисс. – Тошкент, 2000. – Б. 55.
6. Қобулжонова Г. Метафоранинг системавий лингвистик талқини. Филол.фан. номз. дисс. – Тошкент, 2000. – Б. 60.
7. Миртожиев М. Ўзбек тили семасиологияси. – Тошкент, 2000. – Б. 158.
- Жумаева Ф. Полисемем лексемалар доирасидаги синоним ва антоним семалар тадқиқи. Филол.фан.бўйича фал. докт. дисс. – Фарғона, 2018. – Б. 17.
- Маҳмудов Н. Термин, образли сўз, метафора // Ўзбек тили ва адабиёти. - №4. – Тошкент, 2013. – Б. 5.
8. Сувонова Р. Ўзбек тилида метонимия. Филол. фан. номз. дисс. – Самарқанд, 2001. – Б. 10.
9. Сулаймонова Г. Ўзбек тилида от туркумидаги сўзларнинг полифункционаллиги. Филол. фан. номз. ...дисс. – Тошкент, 2012. – Б. 49